

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

**БУХОРО ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ  
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2018 йил  
ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ**

**Бухоро – 2018 й.**

## СЎЗ БОШИ

Бухоро вилоятининг статистик ахборотномаси Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Бухоро вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2018 йил январь-сентябрь ойлари яқунлари бўйича Бухоро вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар биринчи марта Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичи (2 таҳрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи кўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар таъсири чиқариб ташланган).

Нашр 11 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, меҳнат ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Дастлабки ҳисоблар асосидаги маълумотларга келгусида аниқлик киритилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда.

### Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	–	ялпи ички маҳсулот	л.	–	литр
%.	–	фоиз	0,0	–	катта бўлмаган миқдор
млрд.	–	миллиард	м.	–	марта
млн.	–	миллион	–	–	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн. АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	га.	–	гектар
кв.	–	квадрат	тн.	–	тонна
км.	–	километр	1), 2), 3), .....	–	изоҳнинг мавжудлиги
м.	–	метр			

## МУНДАРИЖА

Номи	Бет.
<b>Асосий иқтисодий кўрсаткичлар</b>	<b>8</b>
<b>I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ</b>	<b>9</b>
Ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	10
<b>II. САНОАТ</b>	<b>11-13</b>
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш	14-15
<b>III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	<b>16</b>
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши	17
Худудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	18-19
Хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони	20
Худудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	21-22
Чорва моллари ва паррандалар бош сони	23-25
Ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари	26-27
Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	27
<b>IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ</b>	<b>28</b>
Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган	29
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби	28
Ижтимоий соҳа объектларини қуриш	29-31
<b>V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>	<b>32</b>
Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши	33
<b>VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ</b>	<b>34</b>
Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича	34-36

Худудлар бўйича корхона ва ташкилотлар сони	37
Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони	38
<b>VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР</b>	<b>39</b>
МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси	40
Экспорт-импорти таркиби	41-42
Ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси	43
МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси	43
<b>VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА</b>	<b>44</b>
Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади	44
Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси	45
<b>IX. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ</b>	<b>46</b>
Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси	47
Чакана товар айланмаси шаҳар ва туманлар кесимида	48
Улгуржи савдо айланмаси	49
<b>X. ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ</b>	<b>50</b>
Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган хизматлар	50
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматларининг таркиби	51
Шаҳар ва туманлар кесимида бозор хизматлари	52
<b>XI. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ</b>	<b>53</b>
Аҳолининг табиий ҳаракати	53
Меҳнат ресурслари ва аҳолининг иш билан бандлиги	54
Доимий аҳоли сони	54
Тузилган никоҳлар сони	55
Никоҳдан ажралишлар сони	55

## Асосий иқтисодий кўрсаткичлар 2018 йил январь-сентябрь

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь- сентябрь	2017 йил январь- сентябрга нисбатан, фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	млрд. сўм	10440,0	103,8
Саноат маҳсулоти	млрд. сўм	5485,6	102,1
Истеъмол товарлари	млрд. сўм	2766,7	105,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	млрд. сўм	4462,1	104,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	млрд. сўм	6158,0	58,4
Қурилиш ишлари	млрд. сўм	2411,0	103,9
Юк айланмаси	млн. тн-км	1256,7	96,0
Йўловчи айланмаси	млн. йўловчи-км	7546,6	104,0
Чакана товар айланмаси	млрд. сўм	5719,5	106,2
Хизматлар, жами	млрд. сўм	4609,1	107,9
Ташқи савдо айланмаси (январь-май ҳолатида)	млн. АҚШ долл.	616313,0	101,9
Экспорт	млн. АҚШ долл.	115315,7	84,7
Импорт	млн. АҚШ долл.	500997,3	106,9
Сальдо (+;-)	млн. АҚШ долл.	-358681,6	x



## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 10440,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 103,8 фоизга тенг бўлди.

**Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**

	млрд.сўм		2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>8385,6</b>	<b>10440,0</b>	<b>103,8</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7581,6	9458,8	103,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	804,0	981,2	104,2
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>7581,6</b>	<b>9458,8</b>	<b>103,8</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1994,1	2678,5	104,0
саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2410,8	2994,1	100,9
саноат	1547,9	1916,5	99,3
қурилиш	862,9	1077,6	103,9
хизматлар	3176,6	3786,2	105,8
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	886,9	1089,3	104,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	803,5	883,6	106,6
бошқа хизматлари	1486,2	1813,3	106,1

## Январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи кўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни кўшган ҳолда)
- Хизматлар

(фоизда)

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири хизматлар (40,0 %), саноат (қурилишни кўшган ҳолда) (31,7 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (28,3 %) тармоқларидаги ялпи кўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 71,1 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2017 йил январь-сентябрда 69,8 фоизни ташкил қилган.

2018 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 40,0 фоиз (2017 йил январь-сентябрда 41,9 фоиз)ни ташкил қилди.



## II. САНОАТ

2018 йил январь-сентябрда саноат маҳсулоти ҳажми 5485,6 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 102,1 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 2766,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 105,5 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1050,5 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 1716,2 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2017 йил январь-сентябрга нисбатан мос равишда 104,0 фоиз ва 106,5 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида 51,2 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.


### 2018 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
<b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</b>	<b>5485,6</b>	<b>102,1</b>
<b>Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш</b>	<b>396,9</b>	<b>96,7</b>
<i>улардан:</i>		
Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ казиб олиш	217,3	91,9
Тоғ- кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	13,6	88,3
Тоғ- кон саноати соҳасидаги техник хизматлар	166,0	104,8
<b>Ишлаб чиқарадиган саноат</b>	<b>4838,2</b>	<b>102,5</b>
<i>ундан:</i>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1133,8	105,6
Ичимликлар ишлаб чиқариш	36,5	100,5
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	747,2	107,9

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Кийим ишлаб чиқариш	307,3	95,6
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	4,2	115,1
Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	2,7	91,1
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	27,3	108,3
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	3,3	100,5
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1824,8	100,1
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	130,1	109,8
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	8,5	106,3
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	29,8	93,5
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	387,3	102,7
Металлургия саноати	4,8	67,4
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	112,0	99,6
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ускуналар ишлаб чиқариш	0,1	74,2
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	0,2	66,7
Бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш	0,1	64,8
Мебел ишлаб чиқариш	32,7	84,9
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	0,2	108,2
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	45,3	115,7

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>158,9</b>	<b>104,5</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	<b>91,6</b>	<b>106,3</b>
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>2766,7</b>	<b>105,5</b>
<i>шу жумладан:</i>		
озиқ-овқат товарлари	1050,5	104,0
ноозиқ-овқат товарлари	1716,2	106,5

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)  
(январь-сентябрь)



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини  
ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)**

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь- сентябрь	2017 й январь- сентябрга нисбатан %
--	------------------	---------------------------------	--

**Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш**

Нефт	МИНГ ТН.	15,1	91,8
Табиий газ	МЛН.М.КУБ	3521,9	92,7
Газ конденсати	МИНГ ТН.	34,1	79,9

**Ишлаб чиқарадиган саноат**

Бензин	МИНГ ТН.	527,3	89,8
Дизел ёқилғиси	МИНГ ТН.	419,4	93,9
Мазут	МИНГ ТН.	71,4	127,0
Керосин	МИНГ ТН.	106,7	106,4
Суюлтирилган газ	МИНГ ТН.	5,9	93,7
Арок	МИНГ Л. 100% спирт	1209,0	90,6
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	МИНГ Л. 100% спирт	15,6	88,1
Узум виноси	МИНГ Л.	451,5	66,3
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	МИНГ ТН.	14,0	140,0
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	ТН.	2540,0	83,3

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2018 йил январь- сентябрь</i>	<i>2017 й январь- сентябрга нисбатан %</i>
Тозаланган ўсимлик ёғи	тн.	15158,0	99,6
Омихта ем	тн.	30626,3	107,8
Пахта толаси	минг тн.	46068,0	78,2
Пахта чигити	минг тн.	67671,0	86,8
Пахта (линти)	тн.	4043,0	80,0


**Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш**

Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	656,5	114,1
---------------------------------------	------------	-------	-------

### III. ҚИШЛОҚ, ҶРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ


2018 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 4462,1 млрд. сўми ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 104,0 фоизни шу жумладан ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 2117,6 млрд. сўми (98,1 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 2266,8 млрд. сўми (110,0 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 55,6 млрд. сўми (103,8 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 15,2 млрд. сўми (197,9 фоиз), овчилик хўжалигида 0,2 млрд. сўми (100,0 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 6,7 млрд. сўми (102,6 фоиз) ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-сентябрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 73,8 фоиз).

**Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши (январь-сентябрь)**



**Дехқончилик.** Вилоятда 2018 йил 1 октябрь ҳолатида 136,3 минг тонна пахта етиштирилиб, шартномавий режанинг 42,8 фоизини ташкил этди. Вилоят пахтакорлари ялпи хирмон салмоғини 318,3 минг тоннага етказиш мақсадида, йиғим-терим ишларини олиб боришмоқда.

Вилоятда 2018 йил 1 октябрь ҳолатида давлат хирмониغا 168,8 минг тонна ғалла топширилди. Шартномавий режа 102,8 фоизга уддаланди. Бундан ташқари келгуси йил ҳосили учун 17,0 минг тонна уруғлик дон ҳам тайёрланди.

Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда деҳқон хўжалиklarининг салмоғи юқори бўлмоқда, жумладан жами етиштирилган картошканинг 91,9 фоизи, сабзавотнинг 84,0 фоизи, полиз маҳсулотларининг 82,5 фоизи, узумнинг 69,4 фоизи ва меванинг 61,9 фоизи улар ҳиссасига тўғри келди.

**Ҳосилни йиғиб олиш.** Барча тоифадаги хўжаликларда 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига жами дон 541147 тонна (2017 йил шу даврига нисбатан 6,7 фоизга кам), шу жумладан, бошоқли дон 467088 тонна (16,3 фоизга кам), шундан буғдой 457913 тонна (16,2 фоизга кам), картошка 205212 тонна (12,8 фоизга кўп), сабзавот 649248 тонна (9,7 фоизга кўп), полиз 110011 тонна (8,3 фоизга кўп), мева 221272 тонна (8,4 фоизга кўп), узум 145797 тонна (7,8 фоизга кўп) етиштирилди.

**2018 йилнинг январь-сентябрида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда
Пахта	131,0	59,1	-	-	5,3	9,6 м.к.
Дон	379,0	101,5	157,9	77,4	4,2	151,3
Картошка	16,6	113,1	188,5	112,9	0,1	43,0
Сабзавотлар	98,8	110,1	545,2	109,4	5,2	153,3
Полиз	19,1	108,5	90,7	108,6	0,2	40,4
Мевалар ва резаворлар	83,5	108,6	137,0	109,0	0,8	50,2
Узум	44,3	112,3	101,2	106,2	0,3	46,4

**2018 йилнинг январь-сентябрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

Дон (тонна)

Картошка (тонна)





**Сабзавотлар (тонна)**



**Полиз (тонна)**



**Мевалар ва резаворлар (тонна)**



**Узум (тонна)**



**Чорвачилик.** Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

**2018 йил 1 октябрь ҳолатига хўжалик тифалари бўйича  
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

	<i>Фермер хўжаликлари</i>		<i>Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари</i>		<i>Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар</i>	
	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>
Йирик шохли қорамоллар	64,1	103,9	1123,0	103,0	18,1	166,1
<i>шу жумладан: сигирлар</i>	17,9	102,9	375,3	99,8	3,2	106,7
Қўйлар ва эчкилар	226,5	104,5	1709,2	104,0	146,6	102,2
Паррандалар	289,6	148,5	2642,1	105,4	1401,9	135,4

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 93,2 фоизни, фермер хўжаликларида 5,3 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда 94,7 ва 4,5 фоизни, қўйлар ва эчкилар 82,1 ва 10,9 фоизни, паррандалар 61,0 ва 6,7 фоизни ташкил қилди.

**2018 йил 1 октябрь ҳолатига ҳудудлар кесимида  
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

**Йирик шохли қорамоллар (минг бош)      шу жумладан: сигирлар (минг бош)**



**Қўйлар ва эчкилар (минг бош)**



**Паррандалар (минг бош)**



2018 йилнинг январь-сентябрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 176,5 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 10,7 фоизга кўп), 687,5 минг тонна сут (8,5 фоизга кўп), 322,3 млн. дона тухум (23,0 фоизга кўп), 2,9 минг тонна жун (2,3 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

**2018 йилнинг январь-сентябрида хўжалик тоифалари бўйича  
асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар	
	Миқдори	ўсиш суръати, фоизда	Миқдори	ўсиш суръати, фоизда	Миқдори	ўсиш суръати, фоизда
Гўшт, тирик вазнда, минг тонна	4,3	119,3	170,5	110,2	1,7	144,2
Сут, минг тонна	28,5	107,6	655,7	108,6	3,3	100,4
Тухум, млн. дона	16,6	3,8 м.к.	184,6	105,9	121,1	145,2
Жун, минг тонна	0,3	107,5	2,4	100,5	0,2	124,1

**2018 йилнинг январь-сентябрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги  
чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**



Тухум (млн. дона)

Жун (тонна)



2018 йил 1 октябрь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан йирик шохли қорамоллар 1205,2 минг бошни, (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,6 фоизга кўп), шу жумладан, сигирлар 396,4 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,0 фоиз), кўй ва эчкилар 2082,3 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,9 фоизга кўп), паррандалар 4333,6 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16,0 фоизга кўп) ташкил этди.

2018 йил 1 октябрь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	минг бош	ўсиш суръати, %
<b>Йирик шохли қорамол</b>	<b>1205,2</b>	<b>103,6</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	64,1	103,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1123,0	103,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	18,1	166,1
улардан сигирлар	396,4	100,0


	минг бош	ўсиш суръати, %
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	17,9	102,9
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	375,3	99,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,2	106,7
<b>Қўй ва эчкилар</b>	<b>2082,3</b>	<b>103,9</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	226,5	104,5
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1709,2	104,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	146,6	102,2
<b>Отлар</b>	<b>4,9</b>	<b>107,5</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	0,8	144,4
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3,7	100,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,4	125,1
<b>Паррандалар</b>	<b>4333,6</b>	<b>116,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	289,6	148,5
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2642,1	105,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1401,9	135,4

Барча хуудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши, асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобидан бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,6 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,4 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 57,3 фоизни ташкил қилди.

**2018 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари**

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
<b>Гўшт (тирик вазнда), минг тн.</b>	<b>176,5</b>	<b>110,7</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	4,3	119,3
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	170,5	110,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,7	144,2
<b>Сут, минг тн.</b>	<b>687,5</b>	<b>108,5</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	28,5	107,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	655,7	108,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,3	100,4
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>322,3</b>	<b>123,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	16,6	3,8 м.к.
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	184,6	105,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	121,1	145,2

**Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби**  
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)  
(январь-сентябрь)



**Фермер хўжаликлари.** 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатида фермер хўжаликларида 64,1 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 17,9 минг бош сигир, 226,5 минг бош қўй ва эчкилар, 289,6 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 3,9 фоизга, қўй ва эчкилар 4,5 фоизга, паррандалар 48,5 фоизга кўпайган.



**2018 йил январь-сентябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб  
чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

	2017 йил январь-сентябрь		2018 йил январь-сентябрь		ўсиш суръати, %
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Гўшт, тирик вазнда	3577	2,2	4266	2,4	119,3
Сут	26459	4,2	28469	4,1	107,6
Тухум, минг дона	4399	1,7	16585	5,1	3,8 м.к.
Қорақўл тери, дона	33220	8,2	34240	8,3	103,1
Жун	253	9,0	272	9,4	107,5
Пилла	1739,87	93,8	1631,94	100,0	93,8
Пахта	221621	99,8	131043	96,1	59,1
Бошоқли дон	372121	66,7	377654	80,9	101,5
шундан: буғдой	369493	67,6	369698	80,7	100,1
Картошка	14718	8,1	16651	8,0	113,1
Сабзавот	89784	15,2	98811	15,2	110,1
Полиз	17616	17,3	19121	17,4	108,5
Мева ва резаворлар	76841	37,7	83453	37,7	108,6
Узум	39453	29,2	44311	30,4	112,3


## IV.ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-сентябрь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 6158,0 млрд.сўм миқдорда инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 58,4 фоизни ташкил қилди.

### Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>6158,0</b>	<b>58,4</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>580,3</b>	<b>71,7</b>	<b>9,4</b>
бюджет маблағлари	180,3	216,2	3,0
болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	15,3	386,5	0,2
давлат мақсадли фонд маблағлари	192,8	82,3	3,1
ривожланиш ва тараққиёт жамғармаси	-	-	-
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	191,9	90,9	3,1
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>5577,7</b>	<b>57,3</b>	<b>90,6</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	983,1	72,7	16,0
аҳоли маблағлари	791,0	116,3	12,8
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	3219,0	43,2	52,3
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	584,6	170,0	9,5

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари**  
(январь-сентябрь)




**2018 йил январь-сентябрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби**

*млрд. сўм*

	<i>жами</i>	<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>
<b>Жами</b>	<b>6158,0</b>	<b>651,7</b>	<b>5506,3</b>
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	71,2	81,6	69,9
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	15,1	12,3	15,5
бошқа харажатлар	13,7	6,1	14,6

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида қурилиш ва монтаж ишларининг улуши 2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 4,6 фоизга камайган ва машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 9,5 фоизга ошган, бошқа харажатлар 4,9 фоизга камайган.

**Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича** (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)  
(январь-сентябрь)



- Уй-жой қурилиш
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлашга
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Ташиш ва сақлаш
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Қурилиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

**Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 1020,9 млрд.сўм ёки 16,6 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий майдони 973,1 минг кв.м. бўлган 5810 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 163,2 фоиз), шу жумладан, қишлоқ жойларида 758,6 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 163,4 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашга 27,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 1,7 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 26,8 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 992,6 км. узунликдаги ичимлик суви, 6,5 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2017 йил январь-сентябрга нисбатан мос равишда 5544,4 ва 63,7 фоизни ташкил қилди.

Ишга туширилган умумий ичимлик сув тармоқларининг 975,4 км. ёки 6590,5 фоизи ва газ тармоқларининг 6,5 км. ёки 68,4 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 149,5 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,2 млрд. сўм (0,1 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 0,1 млрд. сўм, инвестициялар ўзлаштирилди, бу 100,0 фоиз аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келди.


**Қурилиш фаолияти.** 2018 йил январь-сентябрда 2411,0 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2017 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 103,9 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 62,1 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 37,9 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.


Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 2300,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 95,4 фоизни (2017 йил январь-сентябрга нисбатан 1,0 фоизга кўпайди) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2017 йил январь-сентябрь



2018 йил январь-сентябрь



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлар мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

## V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 15109 тани ташкил қилди.

2018 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 71,1 фоизи (2017 йил январь-сентябрда 69,8 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2339,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 42,7 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 104,1 фоизни ташкил қилди;

- 4401,8 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 103,7 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 98,6 фоизи) ташкил қилди.

- 1429,3 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 23,2 фоизи) ўзлаштирилди

- 2029,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 84,2 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 13,3 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 6,4 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 83,2 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 3,0 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,8 фоизи) кўпайиши таъминланди;


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 88,2 фоизи ёки 5043,9 млрд. сўми (ўсиш 102,1 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 73,2 фоизи ёки 3374,4 млрд. сўми (ўсиш 104,7 фоиз) шакллантирилди.

- 51,1 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 44,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 184,7 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 36,9 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2018 йилнинг январь-сентябрда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4401,8	100,0
Саноат	2339,8	55,2
Қурилиш	2029,9	52,0
Чакана савдо	4075,9	100,0
Юк ташиш, млн тн.	45,3	39,8
Йўловчи ташиш, млн.киши	215,2	82,1
Экспорт, млн.АҚШ долл.	51,1	44,3
Импорт млн. АҚШ долл.	184,7	36,9

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодий тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



## VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (деҳқон ва фермер хўжалиқларисиз) 18471 тани ташкил қилиб, шундан 17597 таси ёки 95,3 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 3956 та (21,4 фоизи), саноат 2644 та (14,3 фоизи), қурилиш 1946 та (10,5 фоизи), ташиш ва сақлаш 1175 та (6,4 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1169 та (6,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


### 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>18471</b>	<b>100,0</b>	<b>17597</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1909	10,3	1772	10,1
саноат	2644	14,3	2535	14,4
қурилиш	1946	10,5	1843	10,5
савдо	3956	21,4	3707	21,1
ташиш ва сақлаш	1175	6,4	1122	6,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1169	6,3	1104	6,3
ахборот ва алоқа	218	1,2	209	1,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	492	2,7	488	2,8
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	4962	26,9	4817	27,2



Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 88,3 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 18,1 фоизи хусусий корхоналар, 0,8 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,1 фоизи акциядорлик жамиятлари, 69,3 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича (умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)**




2018 йил январь-сентябрда жами 2621 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 2282 та). Уларнинг асосий қисми Бухоро шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 4,4 фоизи), Ёшдувон (1,2 фоиз), Ромитан (1,5 фоиз), Бухоро (0,9 фоиз), Пешку (0,9 фоиз), Когон (0,7 фоиз), Жондор (0,9 фоиз), Шофиркон (1,0 фоиз), Қорақўл (0,7 фоиз), Когон шаҳри (0,6 фоиз), Вобкент (0,6 фоиз), Олот (0,4 фоиз) ва Қоровулбозор (0,3 фоиз) туманларига тўғри келди.

**Худудлар бўйича корхона ва ташкилотлар сони**  
(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)

(бирлик)

	01.10.2018 йил ҳолатига рўйхатга олинган	2018 йил январь-сентябрда	
		ташкил топди	туғатилди
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>18471</b>	<b>2621</b>	<b>734</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Бухоро	5852	809	280
Когон	633	111	22
<i>туманлар:</i>			
Бухоро	1378	162	27
Вобкент	837	104	85
Жондор	1250	174	44
Когон	959	139	16
Олот	636	82	16
Пешкў	1134	166	42
Ромитан	1382	270	75
Шофиркон	1146	183	48
Қоракўл	945	132	18
Қоровулбозор	344	62	16
Ғиждувон	1975	227	45

**2018 йил январь-сентябрда ташкил топган ва тугатилган  
корхоналар (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 15,7 фоизи саноат, 16,1 фоизи савдо ва 13,5 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 734 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган.

## Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони

(бирлик)

	2018 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган	2018 йил январь-сентябрда	
		ташкил топди	туғатилди
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>15109</b>	<b>2282</b>	<b>716</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Бухоро	4990	734	272
Когон	501	103	22
<i>туманлар:</i>			
Бухоро	1158	140	26
Вобкент	621	85	83
Жондор	1009	153	44
Когон	818	119	16
Олот	479	68	15
Пешкў	911	137	41
Ромитан	1150	239	73
Шофиркон	896	155	47
Қоракўл	690	97	17
Қоровулбозор	252	57	16
Ғиждувон	1634	195	44


## VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 616,3 млн.АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,9 фоизни, шу жумладан, экспорт 115,3 млн.АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 84,7 фоизни, импорт 501,0 млн.АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 106,9 фоизни ташкил этди.

### 2018 йилнинг январь-сентябрда МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (минг АҚШ dollari)

	январь-сентябрь		2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 й.	2018 й.	
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>604697,4</b>	<b>616313,0</b>	<b>101,9</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ мамлакатлари	392350,1	366428,7	93,4
бошқа хориж мамлакатлари	212347,3	249884,3	117,7
<b>Экспорт</b>	<b>136071,8</b>	<b>115315,7</b>	<b>84,7</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ мамлакатлари	38413,3	25404,3	66,1
бошқа хориж мамлакатлари	97658,5	89911,4	92,1
<b>Импорт</b>	<b>468625,6</b>	<b>500997,3</b>	<b>106,9</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ мамлакатлари	353936,8	341024,4	96,4
Бошқа хориж мамлакатлари	114688,8	159972,9	139,5

**2018 йил январь-сентябрда вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ  
ва бошқа давлатларнинг улуши**




**2018 йилнинг январь-сентябрда экспорт-импорти таркиби**

	<i>Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида</i>		<i>Ҳажмидаги ўзгариши, фоиз ҳисобида</i>
	<i>2017 йил январь-сентябрь</i>	<i>2018 йил январь-сентябрь</i>	<i>2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>84,7</b>
пахта толаси	34,2	55,1	136,6
озиқ-овқат маҳсулотлари	17,9	7,2	34,0
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	1,3	1,3	87,4
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	19,8	3,3	14,0
қора ва рангли металллар	-	0,1	-
машина ва ускуналар	0,1	-	2,8
хизматлар	9,0	11,4	107,4
бошқалар	17,7	21,6	103,0


	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2017 йил январь-сентябрь	2018 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Импорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>106,9</b>
озик-овқат маҳсулотлари	1,1	3,3	3,3 м.к.
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	3,1	6,0	2,0 м.к.
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	70,1	55,8	85,1
қора ва рангли металллар	1,0	2,3	2,4 м.к.
машина ва ускуналар	21,0	22,4	113,9
хизматлар	0,1	0,1	116,7
бошқалар	3,6	10,1	3,0 м.к.

**Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

**2017 йил январь-сентябрь**



**2018 йил январь-сентябрь**




- Осиё
- Европа
- Бошқа қитъалар

**2018 йилнинг январь-сентябрда ташқи савдо айланмасида катта  
улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси**

	<i>Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида</i>	<i>2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Россия Федерацияси	38,8	79,4
Хитой	13,9	101,9
Туркманистон	14,9	156,4
Эрон	11,5	169,8
Германия	2,5	-
Қозоғистон	2,6	67,3
Туркия	2,3	2,3 м.к.
Украина	1,4	3,5 м.к.
Белорусия	1,3	189,1



**2018 йил январь-сентябрда МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга  
оширилган ташқи савдо таркиби**

**Экспорт**





## Импорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Қора ва рангли металлар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Энергия ресурслари
- Бошқалар

## МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси

	Экспорт		Импорт	
	январь-сентябрь		январь-сентябрь	
	2017 й.	2018 й.	2017 й.	2018 й.
<b>Жами</b>	<b>38413,3</b>	<b>25404,3</b>	<b>353936,8</b>	<b>341024,4</b>
<i>шу жумладан:</i>				
Россия	13947,8	15295,3	287282,7	223996,9
Қозоғистон	19716,2	6188,8	4440,3	10063,3
Украина	962,2	666,4	1460,9	7866,2
Туркменистон	2504,0	1959,4	56320,6	90015,2
Белоруссия	82,3	253,6	4216,3	7877,0
Арманистон	-	-	-	-
Қирғизистон	659,9	95,2	105,1	850,2
Озарбайжон	218,7	278,8	-	7,5
Тожикистон	292,5	526,1	110,9	301,6
Молдова	-	140,7	-	46,8

## VIII. ТРАНСПОРТ

**Юк ташиш.** 2018 йилда барча транспорт турлари томонидан 49,5 млн.тонна юк ташилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 102,7 фоизга кўпайди.

**Юк айланмаси** барча транспорт турлари томонидан 1256,7 млн.тн.км.ни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 96,0 фоизга кўпайди.

### Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2018 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ташилган юк, млн. тн</b>	<b>49,5</b>	<b>102,7</b>
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	49,5	102,7
<b>Юк айланмаси, млн. тн-км</b>	<b>1256,7</b>	<b>96,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	1256,7	96,0

Хусусий юк ташувчилар юк айланмаси 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 104,5 фоизга кўпайди ва 791,1 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 63,0 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-сентябрда 63,8 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2018 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 222,1 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,2 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 4,0 фоизга кўпайиб, 7546,6 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

## Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2018 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши</b>	<b>222,1</b>	<b>104,2</b>
<i>шу жумладан:</i> автомобил транспортида	222,1	104,2
<b>Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км</b>	<b>7546,6</b>	<b>104,0</b>
<i>шу жумладан:</i> автомобил транспортида	7546,6	104,0

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 102,3 фоизга кўпайди ва 6775,4 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 89,8 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-сентябрда 80,8 фоиз).

## IX. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

2018 йилнинг январь–сентябрида чакана савдо товар айланмаси 5719,5 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 106,2 % ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 49,8 га ўсиб, 675,6 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 11,8 % ни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг товар айланмаси 12,3 % га ўсиб, 968,0 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 16,9 % ни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 4075,9 млрд. сўми яқка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг ҳисобига тўғри келди 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 % га ошди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмидаги улуши 71,3 % га тенг бўлди.

### Чакана савдо товар айланмаси таркиби (2018 йилнинг январь–сентябрь ҳолатига)



2018 йилнинг январь–сентябрида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 1,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 88,9 % ни ташкил қилди.


Нодавлат мулки 5719,5 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 101,4 % ни ташкил қилди.

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича  
чакана товар айланмаси**

	млрд. сўм	2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>5719,5</b>	<b>106,2</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан: мулкчилик шакллари бўйича</i>			
давлат мулки	1,1	71,0	-
нодавлат мулки	5718,4	101,4	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	4075,9	88,9	x

Чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Бухоро шаҳри 33,3 %, Гиждувон тумани 17,4 %, Қоракўл тумани 9,5 %, Ромитан тумани 6,2 % ва Жондор тумани 5,9 % ни ташкил этган бўлса, Когон тумани 2,0 %, Қоровулбозор тумани 1,6 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**Туманларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши  
% ҳисобида**



Умумий овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 178,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 3,6 % га ўсди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 3,1 % ни ташкил этди.

### Чакана товар айланмаси шаҳар ва туманлар кесимида

(умумий овқатланишни қўшиган ҳолда)

(умумий овқатланишни қўшиган ҳолда)	Жами		Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2017 йил январь-сентябрга нисбатан, % ҳисобида	минг. сўм	2017 йил январь-сентябрга нисбатан, % ҳисобида
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>5719,5</b>	<b>106,2</b>	<b>3041,3</b>	<b>104,6</b>
<i>шаҳарлар</i>				
Бухоро	1906,9	108,5	6888,9	108,2
Когон	221,5	102,7	3673,2	102,2
<i>туманлар</i>				
Бухоро	276,6	101,6	1718,2	99,5
Вобкент	331,6	113,5	2447,4	111,7
Жондор	335,4	102,1	1985,6	100,3
Когон	113,7	102,1	1513,7	99,5
Олот	139,6	102,2	1449,6	100,6
Пешкў	182,7	103,7	1538,8	101,9
Ромитан	353,6	101,8	2579,2	100,0
Шофиркон	228,5	102,5	1985,6	101,0
Қорақўл	544,2	103,5	3411,6	101,7
Қоровулбозор	91,8	101,6	5130,7	99,9
Ғиждувон	993,5	109,0	3300,7	107,4

2018 йилнинг январь–сентябрида улгуржи савдо товар айланмаси 1590,9 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 115,1 % ни ташкил қилди.

Умумий улгуржи савдо товар айланмаси ҳажми ўтган йилга нисбатан ўсишига қарамадан, йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 14,3 % га ошиши кузатилиб, ҳажми 575,9 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин.

Хусусан, улгуржи савдо товар айланмаси ҳажимда катта улушга эга бўлган Бухоро шаҳри (32,8 %), Ғиждувон тумани (17,3 %), Қоракўл тумани (9,5 %) ни ташкил этган бўлса, Олот тумани (2,6%), Когон тумани (2,0%) ва Қоровулбозор (1,7 %) улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

### Улгуржи савдо товар айланмаси шаҳар ва туманлар кесимида

	<i>млрд. сўм</i>	<i>Ҳамига нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>2017 йил январь- сентябрига нисбатан, % ҳисобида</i>
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>1590,9</b>	<b>100,0</b>	<b>115,1</b>
<i>шаҳарлар</i>			
Бухоро	522,4	32,8	2,6 м.к.
Когон	61,8	3,9	2,5 м.к.
<i>туманлар</i>			
Бухоро	77,0	4,8	2,5 м.к.
Вобкент	90,4	5,7	2,8 м.к.
Жондор	92,5	5,8	2,5 м.к.
Когон	32,2	2,0	2,5 м.к.
Олот	41,2	2,6	2,5 м.к.
Пешкў	52,7	3,3	2,5 м.к.
Ромитан	102,5	6,4	2,5 м.к.
Шофиркон	64,8	4,1	2,5 м.к.
Қоракўл	151,1	9,5	2,5 м.к.
Қоровулбозор	26,7	1,7	2,5 м.к.
Ғиждувон	275,7	17,3	2,6 м.к.

## X. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2018 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми 4609,1 млрд. сўмни ташкил қилди, 2017 йил январь-сентябрга нисбатан ҳақиқий ўсиш 107,9 фоизни ташкил этди.

**2018 йил январь-сентябрь ойида кўрсатилган хизмат турлари бўйича  
(амалдаги баҳоларда) қўйидагича ифодаланади:**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Жами хизматлар</b>	<b>4609,1</b>	<b>107,9</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	271,8	117,2	5,9
Молия хизматлари	446,4	120,1	9,7
Транспорт хизматлари	1206,2	103,8	26,2
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	201,9	104,6	4,4
Савдо хизматлари	1564,7	104,1	33,9
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	130,5	106,0	2,8
Таълим хизматлари	199,9	147,4	4,3
Соғлиқни сақлаш хизматлари	85,8	101,0	1,9
Ижара ва прокат хизматлари	126,9	105,0	2,8
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	110,6	105,8	2,4
Шахсий хизматлар	100,4	101,2	2,2
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	43,4	117,5	0,9
Бошқа турдаги хизматлар	120,6	108,9	2,6



Хизмат кўрсатишда энг катта улуш савдо (33,9 фоизи), транспорт (логистик хизматлар билан бирга) (26,2 фоизи), молиявий (9,7 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (5,9 фоизи), яшаш ва овқатланиш (4,4 фоизи) ва таълим (4,3 фоизи) хизматларга тўғри келди.

Таълим хизматлари (47,4 фоизга кўп), молия хизматлари, банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматларини ўз ичига олган ҳолда (ўтган йилга нисбатан 20,1 фоизга кўп), , алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, уяли алоқа, “Интернет”тармоғидан фойдаланиш, кабель телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматларини ўз ичига олган ҳолда (17,2 фоизга кўп), ўсиш юқори бўлди.

### 2018 йил январь-сентябрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари



Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида катта улушга эга бўлган Бухоро шаҳри (57,8 %), Гиждувон тумани (10,7 %), Бухоро тумани (3,7 %), Когон шаҳри (3,6 %) ни ташкил этган бўлса, Пешкў (2,5 %), Қоровулбозор (2,0 %) ва Когон туманлари (1,9 %) улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар**  
(туман ва шаҳарлар кесимида)

	<i>Жами</i>		<i>Аҳоли жон бошига</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-сентябрга нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>минг сўм</i>	<i>2017 йил январь-сентябрга нисбатан, % ҳисобида</i>
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>4609,1</b>	<b>107,9</b>	<b>2450,9</b>	<b>106,4</b>
<i>шаҳарлар</i>				
Бухоро	2665,1	108,9	9628,3	108,6
Когон	166,9	100,2	2767,6	99,7
<i>туманлар</i>				
Бухоро	172,5	106,3	1071,5	104,1
Вобкент	155,5	105,7	1147,4	104,0
Жондор	127,9	106,4	757,0	104,5
Когон	86,8	104,9	1155,6	102,3
Олот	118,0	105,1	1225,0	103,5
Пешкў	113,5	108,6	956,6	106,7
Ромитан	155,3	105,8	1132,6	103,9
Шофиркон	118,6	105,6	687,6	104,1
Қорақўл	140,3	105,7	879,5	103,9
Қоровулбозор	93,9	124,0	5246,7	121,9
Ғиждувон	494,8	107,7	1644,0	106,1

## XI. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕХНАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1891,1 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 20924 кишига ёки 1,1 фоизга кўпайди.

### 2018 йил январь-сентябрь ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2017 й.	2018 й. <sup>1)</sup>	ўсиш, камайиш	2017 й.	2018 й. <sup>1)</sup>
Туғилганлар	27564	28794	1230	19,9	20,5
Ўлганлар	6338	5785	-553	4,6	4,1
Табиий ўсиш	21226	23009	1783	15,3	16,4
Никоҳлар	10561	8814	-1747	7,6	6,3
Ажралишлар	1360	1170	-190	1,0	0,8

2018 йилнинг январь-сентябрда туғилганлар сони 28794 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (27564 киши) нисбатан 1230 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 20,5 промиллени ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (19,9 промилле) нисбатан 0,6 промиллега кўпайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Бухоро (18,6 дан 17,6 промиллега), Қоровулбозор (20,6 дан 19,4 промиллега), Когон (23,0 дан 22,8 промиллега), Ромитан (21,5 дан 21,1 промиллега) туманларида кузатилди.

**Ўлим даражаси.** 2018 йилнинг январь-сентябрда ўлганлар сони 5785 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (6338 киши) нисбатан 553 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,1 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-сентябрида – 4,6 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши кузатилмади, Вобкент тумани ва Когон шахрида ўтган йилининг мос даврига нисбатан тенглик кузатилди.


**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2018 йилнинг январь-сентябрда ФХДЁ органларида 8814 та никоҳлар ва 1170 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 6,3 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида – 7,6 та) ва 0,8 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида 1,0 та) тўғри келади.

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 4926 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 7011 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 2085 кишига (2017 йилнинг шу даврида - минус 1831 киши) тенг бўлди.


Энг катта минус қолдиқлар Бухоро шахрида (минус 1779 ), Когон шахрида (минус 255 ), Ғиждувон (минус 416 ) туманларида кузатилди.

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

**2018 йил январь-сентябрь ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати**  
(ҳар 1000 кишига)




**Доимий аҳоли сони <sup>1)</sup> (2018 йил 1 октябрь ҳолатига, минг киши)**




### Тузилган никоҳлар сони <sup>1)</sup> (январь-сентябрь ойларида)

(бирлик)



### Никоҳдан ажралишлар сони <sup>1)</sup> (январь-сентябрь ойларида)

(бирлик)



<sup>1)</sup> Дастлабки маълумот